



2025-2026

www.eyis.org.uz

АСОСИЙ ХАВФ ОМИЛЛАРИНИНГ МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ТАРҚАЛИШИГА ХОС ҲУДУДИЙ ЭПИДЕМИОЛОГИК ЖИХАТЛАР

Мамасолиев Н.С., Отажонов И.,
Усманов Б.У., Қаландаров Д.М.

Андижон давлат тиббиёт институти ва РШТЁИМ АФ, Андижон

Тадқиқотнинг долзарблиги. Жаҳон миқёсида мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасини ўзига хос “барометри”, аҳоли саломатлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири болаларнинг касалланиш структураси ва даражаси бўлиб ҳисобланади. Бунда олдинга сурилаётган мулоҳазалар соғлом бола, соғлом авлоднинг дунёга келиши ва уни тарбиялаб вояга етказишида етти ёшгача болаларнинг саломатлик кўрсаткичларини яхшилашдан иборат, чунки болаларни соғ-саломат вояга етказиш, соғлом ишчи қучини яратиш келажакда аҳоли саломатлиги, мамлакат тараққиёти кафолати сифатида баҳоланади². Аёллар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилишнинг глобал стратегияси (2016-2030й.) да белгиланган дастурни амалга ошириш мақсадида ЖССТ ва унинг ҳамкорлари бугунги кунда эрта ёшдаги болаларни рағбатлантирувчи тарбиялашнинг йўриқномавий тамойилларини ва оператив йўриқномани ишлаб чиқиши мөмкин.

Тадқиқотнинг мақсади: мактабгача ёшдаги болалар касалланиши уларга таъсир этувчи тиббий-ижтимоий омилларни комплекс баҳолаш, болалар саломатлигини, тиббий ёрдам сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиши.

Тадқиқот материалы ва усуслари. Андижон вилояти - [Фарғона](#) водийсининг шарқий қисмida жойлашган. Майдони 4,2 [минг](#) км². Аҳолиси 3 млн 166 минг киши (2021). Андижон вилоятида 14 [қишлоқ](#) тумани (Андижон, Асака, Балиқчи, Булоқбоши, Бўз, Жалақудук, Избоскан, Марҳамат, Олтинкўл, Пахтаобод, Улуғнор, Хўжаобод, Шаҳриҳон, [Қўргонтепа](#)), 11 [шахар](#) (Андижон, Асака, Марҳамат, Охунбобоев, Пахтаобод, Пойтүғ, Хонобод, Хўжаобод, Шаҳриҳон, Қорасув, [Қўргонтепа](#)), 5 [шахарча](#) (Андижон, Бўз, Жанубий Оламушук, Куйганёр, [Полвонтош](#)) ва 888 та маҳалла фуқаролари йигини [бор](#) (2021). Маркази - [Андижон](#) ш. Аҳолисининг кўпчилигини [узбеклар](#) ташкил этади. Аҳоли зичлиги, 1 км² га ўртacha 517 киши тўғри келади.

Натижалар ва хулосалар. Шаҳар ва қишлоқ болаларига таъсир этувчи тиббий, ижтимоий ва гигиеник омиллар

Етти ёшгача болалар ҳаёти асосан оилада кечади, шунинг учун оилалар турмуш тарзини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Оилаларнинг турмуш тарзи ва шароити болалар саломатлигига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан биридир.

Турмуш тарзи, турмуш шароити, ота-оналарнинг тиббий фаоллиги каби омилларнинг болаларни турли ёш даврларига таъсирини дифференциал ҳолда ўрганиб чиқиш ушбу омилларни болаларнинг касалланиш қўрсаткичларига таъсири этишини аниқлаб берди. Шу билан биргаликда айрим омиллар гурухининг тутган ўрни (аҳамияти) бола ёшига қараб ўзгариб бориши ҳам аниқланди.

Болалар саломалик ҳолатини баҳолашда биологик омиллардан боланинг нечинчи ҳомиладорлик ва нечинчи туғруқдан туғилганлигини билиш муҳимдир. Тадқиқотга жалб қилинган шаҳар болаларининг 39,2%и ва қишлоқ болаларининг 24,3%и биринчи ҳомиладорликдан туғилганлиги қайд этилган. 2-,3-,4-,5- ва 6-ҳомиладорликдан туғилган болалар қишлоқ болалари орасида устунлик қилди, хусусан олтинчи ҳомиладорликдан туғилган болалар қишлоқларда шаҳарга қараганда 2,5 марта кўплиги қайд этилди.

Бола туғилганда онанинг ёши ҳам катта аҳамиятга эга омиллардан биридир. 17 ёшдан кичик ва 40 ёшдан катта оналардан туғилган болалар орасида ривожланиш нуқсонлари кўп учраши тадқиқотчилар томонидан асослаб берилган. Тадқиқотга жалб қилинган 10,2% қишлоқ болалари ва 7,5% шаҳар болалари 20 ёшгача бўлган оналардан туғилганлиги аниқланди, шаҳар ва қишлоқ худудида 40 ёшдан катта бўлган оналардан туғилган болалар сони деярли бир хил эканлиги қайд этилди. Иккала худудда ҳам 24-35 ёшли оналардан туғилган болалар улуши юқори, мос равишда қишлоқда 55,3%, шаҳарда 54,8%.

Қариндошлар орасидаги никоҳ Ўрта Осиё давлатлари миллатлари орасида кенг тарқалганлиги сабабли, етти ёшгача бўлган болалар касалланишга ушбу омилнинг таъсирини ўрганиш биз учун қизиқарлидир.

Фарғона водийсида қишлоқ худудлари қариндош уруғлар ўртасидаги никоҳлар қайд этилиши даражаси шаҳарнига қараганда юқори эканлиги проф. Б.М.Маматқулов тадқиқотларида ҳам очиб берилган. Бизнинг тадқиқот натижалари ҳам ушбу омилнинг қишлоқ аҳолиси орасида юқорилигини қўрсатди. Хусусан, ҳам яқин, ҳам узоқ қариндошлар орасидаги никоҳлар қишлоқда шаҳарга қараганда 2 баробар юқорилиги қайд этилди. Шаҳарда 75,3% ва қишлоқда 54,3% ота-оналар қариндош эмаслиги аниқланди.

Туғруқлар орасидаги интергенетик омил ҳам онанинг ҳам туғилажак боланинг саломатлик ҳолатига таъсири қўрсатади, хусусан туғруқлар орасидаги интервал билан болалар касалланиш қўрсаткичлари бир-бирига тескари пропорционал бўлиб, интервал қанчалик кичик бўлса, касалланиш шунча юқори бўлиши қайд этилди. Қишлоқда туғруқлар орасидаги интервал 1 йилгача бўлган даврда туғилган болалар улуши шаҳарга қараганда 2 баробар юқори, аксинча интервал оралиғи 3 йил бўлган шаҳарда юқолиги аниқланди.

Кўп тадқиқотчилар томонидан болалар саломатлиги шаклланиши, хусусан касалланиш даражасига ҳомиладорликнинг кечиши, боланинг туғилган вақтидаги вазни ва туғилган вақтидаги саломатлик ҳолати кучли этиши асослаб берилган. 2500 грдан кам ва 4000грдан юқори вазн билан туғилган болалар касалланиш хавфи нормал вазн билан туғилган болаларга қараганда юқоридир. Қишлоқда шаҳарга қараганда 2500 грдан кам ва 4000грдан юқори вазн билан

туғилған болалар улуши шаҳарга қараганда юқорилиги қайд этилди (мос равища қишлоқ 11,0% ва 7,0%; шаҳар 8,0 ва 5,0%).

Хомиладорликнинг кечиши, боланинг туғилған вақтдаги саломатлик ҳолати болалар саломатлигига асосан уларнинг биринчи ёшида кучли таъсир этади. Хомиладорлик асоратлар билан кечганда (хомиланинг тушиш хавфи, ҳомиладорлик вақтидаги токсикозлар) ёки бола асфиксия, туғруқ жарохатлари билан туғилса, уларнинг касалланиш хавфи ҳомиладорлик нормал кечган ва асоратсиз туғруқлардан туғилған болаларга қараганда 2,0 марта юқоридир. Бу айниқса шаҳар болаларида қишлоқта қараганда юқори эканлиги қайд этилди (мос равища 19,2 ва 15,2%).

2 ёшдан ошган болалар саломатлигига хусусан, боланинг биринчи ёшидаги касалланишлари кучли таъсир қўрсатади. Агар бола биринчи ёшда тез-тез касалланувчилар гуруҳига кирса, унинг кейинги ёшларида касалланиш хавфи 2,0-3,0 марта юқори бўлиши маълум. Қишлоқ болалари орасида тез - тез касалланувчи болалар улуши 21,3%ни ташқил қилган бўлса, шаҳар болалари орасида бу қўрсаткич бир оз пастлиги яъни, 17,8% қайд қилинди.

Ота-оналарнинг саломатлиги оиланинг саломатлигини белгилайди. Ота-оналарда сурункали касалликларнинг мавжудлиги ёки ота-оналардан бири тез-тез ўткир касалликлар билан оғриган оиласдаги болаларнинг касалланиш хавфи соғлом ота-оналардан туғилған болаларга қараганда 2,0 марта юқорилиги аниқланди. Сурункали ёки ўткир касаллиги бор ота-оналар қишлоқда 28,0%ни ташкил этди. Сурункали касалликларлардан оналарда артериал гипертензия, сурункали пиелонефрит, сурункали камқонлик, сурункали гастрит ва бошқалар борлиги аниқланди.

Юқорида келтирилган биологик омилларнинг болалар касалланишига таъсир кучи боланинг ёши ўсиб бориши билан кескин камайиб боришини тадқиқотларимиз тасдиқлади.

Кўкрак сути болалар учун бебаҳо неъматдир. Болаларни кўкрак сути билан овқатлантириш уларни келгусида соғ - саломат ривожланишида катта омил. Сунъий овқатлантирилган болалар касалланиш хавфи табиий овқатлантирилган болалар касалланиш хавфидан 3,0 марта юқори эканлиги кўп тадқиқотларда такидлаб ўтилган. 82,3% қишлоқ худудида яшовчи оналар кўкрак сути билан болани овқатлантирган бўлса, шаҳарда бу қўрсаткич бироз пастлиги кузатилди, яъни 65,5%.

Кўкрак сути билан озиқлантиришнинг давомийлиги ҳам болалар касалланишларига таъсир қўрсатади. 1 ёшгача кўкрак сути билан боқилган болалар 3 ойгача кўкрак сути билан боқилган болаларган қараганда 2,0 марта камроқ касалланиши аниқланган. Оналарнинг болани 3 ойгача кўкрак сути билан боқиб кейин аралаш ёки сунъий овқатлантиришга ўтганлиги сабаблари қўйидагилар кўрсатилди: 44,5% оналар сути камлиги, 17,2% боланинг кўкрак сутини эммай қўйганлиги ва бошқ. Шунингдек, қишлоқ оналари болаларини биринчи овқат сифатида картошка пюреси, шўрвалар, яъни қозон овқатларни берганлиги аниқланган бўлса, шаҳар оналари турли тайёр бўтқалар (каша) (манний, гречка, гуруч) ва мевали пюрелар берганлиги аниқланди. Тайёр бўтқалар бола организми учун керакли микроэлементлар, оқсил, ёғ,

углеводларни таъминлаб бериб, боланинг нормал ҳам жисмоний ҳам ақлий ривожланиши учун муҳимдир. Шу билан бирга, қозон овқатларга қараганда улар боланинг ошқозон ичак трактида енгил сўрилади. Шунинг учун қўшимча овқатлантиришда тайёр бўтқалардан фойдаланиш боланинг саломатлиги учун муҳим.